БИОЛОГИЯ ФАНИДА ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН СИНФДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

А. К. Рахматуллаева
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, биология кафедраси ўқитувчиси

Д. Т. Атабаева
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, биология кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўқувчилар билан ўтказиладиган синфдан ташқари ташқари илмий-оммабоп китоблар, мақолаларни ўқишни ташкил қилишда албатта, ўқувчларнинг ҳоқиш истакларини инобатга олиш керак. Синфдан ташқари илмий-оммабоп ва бадиий адабиётларни ўқишни яхши йўлга қўйиш учун бадиий китоблар билан бир қаторда биологияга оид кўргазмаларини ташкил қилиш керак. Ҳозирги кунда бундай китобхонлик кўргазмалари кўпгина мактабларда ташкил қилинмоқда. Синфдан ташқари ишларнинг қайси турларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг қобилиятларига боғлиқ бўлади. Биология фанидан ўқувчилар билан олиб бориладиган синфдан ташқари машғулотлар ичида энг қизиқарлиси тирик ҳайвонлар устида олиб бориладиган кузатишлар ва тажрибалар ҳисобланади.

Калит сўзлар: мақола, илмий-оммабоп, фикр, фан ва техника, тажриба, назарий билим, қобилият.

THE IMPORTANCE OF EXTRACURRICULAR ACTIVITIES IN BIOLOGY

A. K. Rakhmatullayeva
Teacher of the Department of Biology, Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent region

D. T. Atabayeva
Teacher of the Department of Biology, Chirchik State Pedagogical Institute, Tashkent region

ABSTRACT

In this article, an extracurricular popular science book with schoolchildren, when organizing the reading of articles, of course, it is necessary to take into account the wishes of students. In order to better organize the reading of popular science and fiction outside of school, it is necessary to organize exhibitions in biology, as well as books on art. Today similar reading exhibitions are held in many schools. What types of extracurricular activities to use will depend on the abilities of the students. The most

interesting of the extracurricular activities with biology students are observations and experiments on live animals.

Keywords: article, popular science, thought, science and technology, experience, theoretical knowledge, ability.

КИРИШ

Ахборот-коммуникацияси технологиялари ривожи билан интерактив усуллар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш, уни амалга ошириш бўлиб, бунга асосан интерактив усуллардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив усуллар бу- ўқитувчи ва ўқувчи ҳамда ўқувчилараро ўзаро биргаликдаги ҳаракатдир. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларни ушбу дарсга қизиқтириш, уларнинг бирламчми фикрларини тинглаш, жавоб беришга ундаш, жавоблар ичида биологияга умуман боғлиқ бўлмаган мавзулар кўтарилганда ҳам ўқитувчи бунга алоҳида аҳамият бермаслиги, ўқувчиларни янада кўпроқ фикрлашга, биология ичига чуқурроқ кириб боришга ундаб туриш керак.[1]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўқувчилар билан ўтказиладиган синфдан ташқари машғулотларга тирик табиат бурчаги, мактаб ер участкаси, табиатда олиб борилаётган кузатишлар, тажрибалар, синфдан ташқари ўқишлар киради. Ўқувчилар билан ўтказиладиган синфдан ташқари машғулотлардан фақат синфдан ташқари ташкил қилинадиган ўқишлар ҳақида тўхталиб ўтамиз. Маълумки, кейинги йилларда фан ва техника янгиликлари радио, телевидение, интернет орқали республика, вилоят, шунингдек, ўқувчилар газета ва журналларида кенг ёритилиб бормоқда. Биология янгиликларига оид илмий-оммабоп китоблар, брошюралар нашр қилинмоқда. Дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда фан янгиликларига оид бериладиган хилма-хил саволлар ўқувчиларнинг фақат дарслик билан чегараланиб қолмасликларидан далолат беради. [2]

НАТИЖАЛАР

Синфдан ташқари илмий-оммабоп китоблар, мақолаларни ўқишни ташкил қилишда албатта, ўқувчларнинг ҳоқиш истакларини инобатга олиш керак. Синфдан ташқари илмий- оммабоп ва бадиий адабиётларни ўқишни яхши йўлга қўйиш учун бадиий китоблар билан бир қаторда биологияга оид кўргазмаларини

ташкил қилиш керак. Ҳозирги кунда бундай китобхонлик кўргазмалари кўпгина мактабларда ташкил қилинмоқда.[3]

Юқорида келтирилганлардан кўринадики, қўйиладиган мақсадга қараб ўқувчилар синфдан ташқари ишларининг турли шаклларидан фойдаланиш мумкин экан. Тажрибалар шуни кўрсатадики, синфдан ташқари ишларнинг қайси турларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг қобилиятларига боғлиқ бўлади. Биология фанидан ўқувчилар билан олиб бориладиган синфдан ташқари машғулотлар ичида энг қизиқарлиси тирик ҳайвонлар устида олиб бориладиган кузатишлар ва тажрибалар ҳисобланади. Масалан, Зоология фанида “Содда ҳайвонлар” мавзуси ўтилаётганда тажриба ташқи мухитнинг, жумладан ҳарорат ва шўр сувда туфельканинг хатти-ҳаракатига бўлган таъсирини ўрганишга бағишланган. “Ковакичлилар” мавзуси бўйича кузатиш ва тажрибалар гидранинг озиқланиши ва кўпайиши устида олиб борилади. “Балиқлар” мавзуси бўйича кузатиш ва тажриба ишлари аквариумда боқиладиган балиқлар телескоп, қиличдум, арранда, гуппи ва бошқалар устида олиб борилади. Ўқувчилар бундай тажрибаларни мактабдаги тирик бурчакда, ўз уйларида ҳам ўтказиш мумкин. Аквариумдаги балиқлар билан шартли рефлексларнинг ҳосил бўлишига оид тажрибаларни ўтказиш мумкин.[4]

МУҲОКАМА

Ботаника фанидан синфдан ташқари ишларини новдаларнинг шохланиш типлари бўйича, баргларда транспирасия жараёнини аниқлаш, Ўсимликларнинг вегетатив кўпайиши, мактаб ер участкасида ўсимликларни ўстириш ва уларни парваришлаш ишлари устида олиб бориш мумкин.

Дарс ва синфдан ташқари машғулотларда тавсия этилган адабиёт мазмунига оид саволларни бериб, жавоблар эшитиб таҳлил қилинади, докладлар тингланади, тақдимотлар кўрилади, консультатциялар берилади, мактабда конференциялар ўтказилади.

ХУЛОСА

Синфдан ташқари ишларни фақатгина назарий билимлардан ташкил қилиш уларнинг сифатини пасайтириб, зерикарли бўлишига олиб келади. Синфдан ташқари машғулотлари юқоридаги ишлар билан бойитилса, уларнинг сифат даражаси кўтарилиб, ўқувчиларнинг биология фанига бўлган қизиқишлари янада ортади. Синфдан ташқари ишлар ўқувчиларнинг биологик билимларини кенгайтиради, биологияга қизиқишини оширади, табиатга ва

ҳайвонот дунёсига меҳр-мухаббат уйғотади, уларга нисбатан онгли муносабатда булишни таркиб топтиришда катта аҳамиятга эга.

REFERENCES

1. А.Т.Гафуров “Биология фанидан ўқитувчилар учун қўлланма”. Тошкент.1988й.
2. А.Т.Гафуров, Ж.Толипова ”Биологияни ўқитишнинг умумий методикаси”. Тошкент. 1997й.
3. Толипова Ж..Биология ўқитувчисининг илмий-методик таёргарлиги даражасини орттириш назарияси ва амалиёти. –Тошкент, 2006.
4. Рахматуллаева, А. К. (2020). АЛЛОКСАН ДИАБЕТ ШАРОИТИДА ЖИГАРДАГИ ГЛИКОГЕН МИҚДОРИГА КЕМПФЕРОЛ ФЛАВОНОЛИНИНГ ТАЪСИРИ. Биология ва экология электрон журнали, 2(2).
5. Zakirov, D., & Madaminova, G. (2020). CLUSTER TEACHING METHOD FOR DEVELOPMENT OF ECOLOGICAL EDUCATION AND FORMATION OF ECOLOGICAL CULTURE OF SCHOOLCHILDREN IN GENERAL EDUCATIONAL SCHOOLS. Биология ва экология электрон журнали, 2(2).
6. Дониёр Уткирович Закиров, & Жасур Хабибуллаевич Гулямов (2020). ЭКСКУРСИОННАЯ МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ ПО РАЗВИТИЮ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ ШКОЛЬНИКОВ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНА ШКОЛАХ. Science and Education, 1 (Special Issue 1), 37-44.
7. Zakirov, D., & Madaminova, G. (2020). Ekologik ta'limni rivojlantirish va umumiy o'rta maktablarida o'quvchilarning ekologik madaniyatini shakllantirish. Биология ва экология электрон журнали, 2(2).
8. Бектаева, Х. О. (2020). БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВИ РЕГУЛЯЦИИ ПЛОДООБРАЗОВАНИЯ У НОВЫХ ПЕРСПЕКТИВНЫХ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА (НАМАНГАН-34 И ОМАД). Academic research in educational sciences, (2).
9. Закиров, Д. У. (2020). ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМДА МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ ВА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ. Биология ва экология электрон журнали, 4(2).
10. Атабаева, Д. Т. Ф.(2020). ВЛИЯНИЕ УТРЕННЕЙ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ НА ЗДОРОВЬЕ ШКОЛЬНИКОВ. Журнал критических обзоров, 7(5), 1631-1636.

11. Атабаева, Д., & Файзиев, В. Б. (2020). ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ СОҒЛОМ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА УЙҚУНИНГ АҲАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ. Биология ва экология электрон журнали, 4(2).

12. Atabaeva Damira Turdibekovna, F. (2020). INFLUENCE OF MORNING PHYSICAL CULTURE ON THE HEALTH OF PUPILS. Journal of Critical Reviews, 7(5), 1631-1636.

13. Закиров, Д. У. (2020). МАКТАБЛАРДА БИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎТКАЗИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ. Science and Education, 1(7).